

# Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими

## Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи

Жуманиязов Рустам Рахимберганович

+99871 237-34-98

## Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими

Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг таркибий бўлинмаси бўлиб, бўлим Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қарорлари ва буйруқлари, институт ректори буйруқлари ва мазкур Низомдан келиб чиққан холда институт Ишлар бошқармаси бошлиғи тасдиқлаган иш режаси буйича ўз вазифаларини амалга оширади.

## Вазифалари

- Маъмурият ва касаба уюшмаси билан келишган холда, талаба ёшлар хамда профессор-ўқитувчиларни ижтимоий, иқтисодий жихатдан муҳофаза этиш борасида институт миқёсида ривожланиш масалаларини аниқ хисобга олиб, хар йилик асосий йуналишлар битими ва жамоа шартномаларини тузишда катнашиш;
- Институтда меҳнатнинг тиббий-техникавий шароитларини паспортлаштиришни ўз вақтида ўтказиш учун зарур чораларни кўриш ва меҳнатни муҳофаза қилиш буйича амалдаги қоида хамда меъёрларга мувофиқ ўтказилишини назорат қилиб бориш;
- Намунавий тизим меъёрларига асосан, ишчи ва хизматчиларга бепул маҳсус уст-бош, оёқ кийм ва бошқа шахсий муҳофаза воситаларини берилишини тартибини ишлаб чиқиш, бу меъёрларга Тошкент шахри Меҳнатни ва ахолини муҳофаза қилиш бошкармаси хамда Институт касаба уюшмаси билан келишилган холда ўзгартириш ва қушимчалар киритиш;
- Фавкулодда вазиятлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш хамда ёнғин хавфсизлигига оид маҳсус бурчаклар, кўргазмали қуроллар ва эслатмалар билан таъминлаш;
- Профессор-ўқитувчи ва ходимларни меҳнатни муҳофаза қилии туғрисидаги билим савиясини текшириш ва текширув натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилаш. Малакавий комиссия таркибини ректор тасдиклади.